

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТАБИАТ ХАКИДАГИ КАРАШЛАРИ

Ражабова Ирода Хамидовна

БухДУ Мактабгача таълим кафедраси катта ўқитувчиси,

Зарипова Нодира Солиевна

Бухоро шаҳар 79 -ДМТТ директори

Аннотация. Табиат билан инсон ўртасидаги уйғунликни таъминлашда экологик таълим-тарбиянинг роли ниҳоятда катта. Таълим тизимининг барча босқичларида амалга ошириладиган узлуксиз экологик таълим ва тарбия инсоннинг табиатига, қолаверса, ўзига нисбатан янги муносабатларнинг шаклланишини тақозо этади. Мазкур мақолада Ўрта Осиё мутафаккирларининг табиат ҳақидаги қарашлари акс этади.

Калит сўзлар: табиат, тарбия, инсон, тарбия, экология, маънавий ҳаёт, педагог.

Аннотация. Роль экологического образования в обеспечении гармонии между природой и человеком огромна. Непрерывное экологическое образование и обучение на всех этапах системы образования требует формирования новых взаимоотношений с природой человека, а также с самим собой. В статье отражены взгляды мыслителей Центральной Азии на природу.

Ключевые слова: природа, воспитание, человек, воспитание, экология, духовная жизнь, педагог.

Annotation. The role of environmental education in ensuring harmony between nature and man is enormous. Continuous environmental education and training at all stages of the education system requires the formation of new relationships with human nature, as well as with oneself. This article reflects the views of Central Asian thinkers on nature.

Key words: nature, education, human, education, ecology, spiritual life, pedagogue.

Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ўз миллий қадриятларини тиклаш йўлида жамият ҳаётининг ҳар бир жабҳасида собит қадамлик билан иш олиб бормокда. Айниқса, табиат билан инсон муносабатларига оид муаммоларни ҳал қилишда. Дастлаб бу педагогик жараёни оила ва МТТлардан бошламоқ зарур. Шунга кўра болалар боғчаларида таълим-тарбия бераётган тарбиячиларнинг олдида энг муҳим вазифаларидан бири ҳам болаларнинг табиат гўзалликларини кўра билиши, уни севиши, табиатда юз берадиган воқеа-ҳодисалар ҳақида тўғри тушунчага эга бўлиши, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш руҳида тарбиялаш муҳим педагогик муаммо ҳисобланади.

Табиат – битмас-туганмас хазинадир. Ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами ёш қалбнинг тўғри ўсиб шаклланишида, табиатда 5 бўладиган воқеа-

ҳодисаларнинг сир-асрорини ўрганиб вояга етишида катта манба бўлиб хизмат қилади. Табиатдаги нарсалар икки қисмдан: жонсиз ва жонли табиатдан иборатдир. Жонсиз табиатга ер, қуёш, ой, юлдузлар, сув, ҳаво, тошлар, тупроқ, жонли табиатга эса ўсимликлар, ҳайвонлар, микроорганизмлар, одамлар киради. Жонсиз табиат дейилишига сабаб улар озиқланмайди, ўсмайди, кўпаймайди, ривожланмайди. Масалан, тошни олсак, унга сув ҳам, ҳаво ҳам керак эмас. Жонли табиатга кирувчилар эса озиқланадилар, нафас оладилар, ўсадилар ва кўпаядилар. Жонли табиат вакиллари ўсимлик, ҳаво, сув, ёруғлик, иссиқлик ва озуқа бўлмаса яшай олмайди. Жонли табиатдаги барча мавжудотлардан энг қудратлиси инсондир. Инсон фикрлайди, меҳнат қилади, турли кашфиётлар ихтиро қилади. Табиат инсонни маънавий бойитишнинг битмас туганмас манбаидир. Табиат билан инсон ўртасидаги уйғунликни таъминлашда экологик таълим-тарбиянинг роли ниҳоятда катта. Таълим тизимининг барча босқичларида амалга ошириладиган узлуксиз экологик таълим ва тарбия инсоннинг табиатига, қолаверса, ўзига нисбатан янги муносабатларнинг шаклланишини тақозо этади. Бу ўз навбатида баркамол инсоннинг шаклланишида пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин. Табиатга нисбатан муҳаббат уйғотиш она Ватанга, унинг табиат ёдгорликлари, тарихий обидалари, халқимизнинг анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялашга, юксак маънавиятли шахснинг шаклланишига олиб келади. Биосфера ерда ҳаёт пайдо бўлгандан бошлаб, узоқ тарихий педагогик муаммо ҳисобланади.

Марказий Осиё мутафаккирларининг табиат ҳақидаги таълимотлари Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи қадимдан экологик маданият меросига эга. Энг мўътабар, қадимги кўлёзмамиз «Авесто» халқимизнинг бебаҳо мулки саналади. Бу нодир китоб бундан ўттиз аср муқаддам шу заминда яшаган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий тарихий меросидир. «Авесто», айна замонда, бу қадим ўлкада буюк давлат, юксак маънавият ва маданият бўлганлигидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдир. «Авесто» табиат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатларини маънавий, руҳий ва ахлоқий мезонлар орқали уйғунлаштирувчи, кишини қуршаб олган оламни ўрганишга чорлагувчи фалсафадир. «Авесто»да ноёб доривор гиёҳлар ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари, уй-жой, атроф-муҳит, табиатни муҳофаза қилиш, уни асраш тўғрисида тавсиялар берилган. «Авесто»да ер, сув, хона, инсон тана аъзолари, кийим-кечакларни тоза тутиш ҳақида ёзилган. Атроф-муҳит, кўчаларни, бутазорлару ўтлоқларни, ерни ифлос қилган кишилар жазоланганлар. Шунингдек, муҳит тозалигини сақлаш ва касалликларни олдини олиш мақсадида ахлатларни, ифлосланган жойларни тош, тупроқ, қум билан кўмиб ташлаш буюрилган. Асарда касаллик тарқатувчи ҳашаротларни йўқотиш, шунингдек, уй ҳайвонларини тўғри парвариш қилиш йўллари ҳам кўрсатилган. Ўрта асрларда Ўрта Осиёда яшаб ижод этган олимлардан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон

Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Фарғоний ва бошқалар табиатшунослик фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Улар ҳали экология фани дунёга келмаган даврда табиат ва ундаги 9 мувозанат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиатни эъзозлаш ҳақида қимматли фикрлар айтганлар. Буюк аллома Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783–850) рисоаларидан бирида бундай деб ёзади: «Билингки, дарёнинг кўзлари ёшланса, унинг бошига ғам, кулфат тушган бўлади. Одамлар, дарёдан меҳрингизни дариф тутманглар!» Дарёнинг «ёшли кўзлари» деганда Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий нималарни кўзда тутган экан? Эҳтимол, у дарё сувининг ортиқча исроф бўлишини назарда тутгандир? Ваҳоланки, буюк бобомиз энг аввало дарё билан одамларнинг «бир-бирларини тушунишлари», ўзаро меҳр-муҳаббат қўйишларини назарда тутган. 847-йилда Муҳаммад ал-Хоразмий «Китоб сурат ал-арз» номли асарини ёзди. Унда дунё океанлари, қуруқликдаги қитъалар, қутблар, экваторлар, чўллар, тоғлар, дарё ва денгизлар, кўллар ва ўрмонлар, улардаги ўсимлик, ҳайвонот дунёси, шунингдек, ернинг асосий бойликлари ҳамда бошқа табиий ресурслар ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу рисолада математика, геология, астрономия, этнография, тиббиёт, шунингдек, дунё халқларининг табиий кўникмалари ва тарихий-ҳуқуқий билимлари умумлаштирилган. Абу Наср Форобий. Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикрларининг энг йирик ва машҳур вакилларида бири Абу Наср Форобийнинг (873–950 й.й.) илмий-фалсафий мероси ниҳоятда бой. Унинг асарлари ҳозиргача тўлиқ аниқланмаган. Немис олими М.К.Броккелманнинг рўйхатида Форобийнинг турли соҳаларга оид 180 та асарининг номи келтирилган. Форобий табиатшуносликнинг турли тармоқлари билан шуғулланган бўлиб, унинг «Китоб алҳажм ва ал-миқдор», «Китоб ал-мабоди ал-инсония» («Инсониятнинг бошланиши ҳақида китоб»), «Китоб ал-аъзо ал-ҳайвон» («Ҳайвон аъзолари тўғрисида китоб») номли асарлари бунга далил бўла олади. Табиатшуносликка оид «Одам аъзоларининг тузилиши», «Ҳайвон аъзолари ва уларнинг вазифалари ҳақида» каби асарларида одам ва ҳайвонлардаги айрим аъзоларнинг тузилиши, хусусиятлари ва вазифалари ҳақида ҳам тўхтаб ўтилган. Одам аъзоларининг тузилиши ва вазифалари ҳақида сўз юритилганда ўзгаришлар, яъни касалликлар биринчи навбатда овқатланиш тартибининг бузилиши оқибатида келиб чиқади, деб тушунтирилади.

Одам аъзоларининг тузилиши ва вазифалари ҳақида сўз юритилганда ўзгаришлар, яъни касалликлар биринчи навбатда овқатланиш тартибининг бузилиши оқибатида келиб чиқади, деб тушунтирилади. 10 Форобий табиий ва инсон қўли билан яратиладиган сунъий нарсаларни ажратган. Шунингдек, у табиий нарсалар табиат томонидан яратилганлигини ва бунда инсон омилининг таъсири катта эканлигини, табиий ва сунъий танлаш ҳамда табиатга кўрсатиладиган бошқа таъсирларни атрофлича баҳолаган. Абу Райҳон Беруний (973–1048 й.й.) коинотдаги ҳодисаларни тараққиёт қонунлари, нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсири билан тушунтиришга уринади. Олим ердаги баъзи

ҳодисаларни қуёшнинг таъсири орқали изоҳлайди. Берунийнинг фикрича, ердаги ўсимлик ва ҳайвонот оламининг яшаши учун зарур имкониятлар чекланган. Лекин ўсимлик ва ҳайвонлар доимо кўпайишга интилади ва шу мақсадда курашади. Берунийнинг табиатшунос сифатида қуйидагича фикрлари ҳанузгача ўз долзарблигини йўқотмаган: «Экин ва насл қолдириш билан дунё тўлиб бораверади. Гарчи дунё чекланган бўлсада, кунлар ўтиши билан бу икки ўсиш натижасида кўпайиш чекланмайди. Агар ўсимликлардан ёки жониворлардан бирор хилининг ўсишига шароит бўлмай, ўсишдан тўхтаса ҳам, бошқаларида бу аҳвол бўлмайди. Улар бирданига пайдо бўлиб, бирданига йўқолиб кетмайди. Борди-ю ер юзини бир хил дарахт ёки бир хил ҳайвон бутунлай қоплаб олса, бу ҳолда ҳайвоннинг кўпайишига ҳам, дарахтнинг ўсишига ҳам ўрин қолмайди. Шу сабабдан деҳқонлар экинларни ўтоқ қилиб, кераксизини юлиб ташлайдилар». Беруний асарларида ўсимлик ва ҳайвонларнинг биологик хусусиятлари, уларнинг тарқалиши ва хўжаликдаги аҳамияти ҳақида маълумотлар топиш мумкин. Берунийнинг илмий қарашлари, асосан, «Сайдана», «Минералогия», «Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар» асарларида ўз аксини топган. Унда Эроннинг турли тропик ўсимлик ва ҳайвонларининг ташқи муҳит билан алоқаси, уларнинг хулқ-атвори йил фасллариининг ўзгариши билан боғлиқлиги мисоллар билан тушунтирилган. Беруний ер юзининг ўзгариши ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўзгариши билан, тирик организ мларнинг турли ҳаёти ер тарихи билан боғлиқ бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Қумни кавлаб, унинг орасидан чиғаноқни топиш мумкин. Бунинг сабаби, бу қумлар қачонлардир океан туби бўлган, деб таъкидлайди аллома.

Хулоса килиб айтганда буюк мутафаккирлар асарларида табиатни асраш унинг бойликларини ку пайтириш ҳайвонот ва наботот дунёсини ҳаёти ва яшаш тарзини ўрганиш ҳамиша инсон олдидиги масъулиятли вазифа эканлиги уқтирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ражабова И. Х., Эшова Д. Ш. Методы и средство внедрения инновационной педагогической технологии в систему ДО. Academy, № 3 (54) 2020.
2. Xamidovna R. I. Play as a means of developing the creative abilities of Preschool Children //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 10.
3. Ражабова И. Х. Эргашева Гулзод Бахтиёровна. Дидактические требования к занятиям математикой в дошкольных учреждеиях. Проблемы педагогики, № 6 (51) 2020.
4. Эшова Д. Ш. РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ ДЕТЕЙ МЛАДШЕГО ВОЗРАСТА В ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ //Проблемы науки. – 2021. – С. 69.

5. Ражабова И. Х. Методика индивидуализации в преподавании вузах //Вестник магистратуры. – 2019. – №. 4-3. – С. 70-71.

6. Ражабова И. Х., Шукурова М. У. К. Словесное воздействие как коммуникативные способности учителя //Academy. – 2020. – №. 3 (54).

7. [Ossobennosti organizatsii i provedeniya didakticheskix igr s detmi starshego doshkolnogo vozrasta.](#) I Rajabova - ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 2020

8. Ражабова И. Х. ВОСПИТАНИЕ СТУДЕНТОВ В ДУХЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕИ СРЕДСТВАМИ МУЗЫКИ И НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ //Молодежь в науке и культуре XXI в.: материалы междунар. науч.-. – 2016. – С. 132.

9. Halimovna K. S. et al. The Role of Modern Pedagogical Technologies in the Formation of Students' Communicative Competence //Religación. – 2021. – Т. 4. – С. 261-2

10. Mahmudovna N. M. Systemic Approach to Education //EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 184-191.

11. Нигматова М. М., Мирзаева Д. Ш. РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСТВА ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА С ПОМОЩЬЮ АРТ ПЕДАГОГИКИ //Вестник науки и образования. – 2021. – №. 14-3 (117). – С. 31-34.

12. Нигматова М. М., Мирзаева Д. Ш. АРТ-ТЕРАПИЯ, КАК СРЕДСТВО АДАПТАЦИИ ДЕТЕЙ РАННЕГО ВОЗРАСТА К ДОО //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 1. – С. 1209-1215.

13. Nigmatova M. RAQAMLI O'YINLAR BOLALARNI O'QITISH USULI SIFATIDA //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.

14. Mahmudovna N. M. et al. FUNDAMENTALS OF USING STEAM TECHNOLOGY IN PRESCHOOL EDUCATION SYSTEM OF UZBEKISTAN //International Journal of Early Childhood. – Т. 14. – №. 03. – С. 2022.

15. Нигматова М. М. и др. СПОСОБЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕТОДОВ ОБУЧЕНИЯ МАТЕМАТИКЕ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ //Academy. – 2020. – №. 3. – С. 76-78.

16. M.Nigmatova. МАКТАВДА YETTI YOSHLI BOLALAR UCHUN MOSLASHUV DARSLARINI TASHKIL ETISH. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ.(buxdu. uz) 22 (22). 2022/10/3

17. M.Nigmatova.BOLALARNI МАКТАВГА ТАЙЙORLASHDA МАКТАВ VA МТТ НАМКORLIGI.ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). 22 (22). 2022/10/3

18. M.Nigmatova.MURAKKAB DUNYO MURAKKAB INSON: TELEVIDENIYE VA INTERNETNING BOLALAR SHAXSIGA SALBIY TA'SIRI. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). 22 (22). 2022/10/3

19. M.Nigmatova. МАКТАВГАША ТА'ЛИМ МУASSASASI VA BOSHLANG'ICH ТА'ЛИМ O'RTASIDAGI UZVIYLIK. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). 22 (22). 2022/10/3

20. M.Nigmatova. МАКТАБГАЧА ТА'ЛИМ ВА UMUMIY O'RTA TA'LIMNING O'ZARO INTEGRATSIYASI. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). 22 (22). 2022/10/3

21. M.Nigmatova. TA'LIM MUASSASALARI O'RTASIDA UZVIYLIK TIZIMINI YARATISH MEKANIZMLARI. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). 22 (22). 2022/10/3

22. M.Nigmatova .Maktabgacha ta'lim tizimida o'yinlar texnologiyasi. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. 2022/7/16. 831-833 bet.

23. Maxmudovna N. M. et al. МАКТАБГА ТАЙЙОРЛОВ YOSHI BOLALARINI SHAXSIY KOMPYUTERLARDAN GIGIYENIK TOGRI FOYDALANISHGA ORGATISH //BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 153-159.

24. Maxmudovna N. M. et al. AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN BOLALAR SALOMATLIGINI SAQLASHDA FOYDALANISH //BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 37-43.

25. M.Nigmatova. МАКТАБГАЧА TALIMDA KOMPETENTSIYAVIY YONDASHUV. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). –2021. –Т.3. №. 3.- С.2021/6/18.

26. Хамраева, Н. А. (2020). Развитие речи у детей. *Проблемы педагогики*, (3 (48)), 28-30.

27. Хамраева Н. А., Салимова Н. К. ТЕМЫ И ЗАДАЧИ НАУКИ КУЛЬТУРЫ РЕЧИ //BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 11-16.

28. Хамраева, Нигора. "ЯЗЫК-НЕОБХОДИМОЕ УСЛОВИЕ СУЩЕСТВОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА." *Involta Scientific Journal* 1.4 (2022): 282-288.

29. Eshova D. PRAGMALINGUISTIC FEATURES OF THE TYPES OF FATIK COMMUNICATION AND ABOUT COMPLIMENTS //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 21. – №. 21.

30. Namroyeva N. НОРМЫ РАЗГОВОРНОЙ ЭТИКИ И ДОБРОТЫ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. Uz). – 2022. – Т. 8. – №. 8.